



АЁЛЛАРГА, ОЛТМИШ ЁШДАН ОШГАН ЭРКАКЛАРГА ОЗОДЛИКДАН МАХРУМ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖИНОЙ ЖАЗОНИ ТАЙИНЛАШНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

Бекназов Шаҳриёр Бобур ўғли

Тошкент вилояти прокуратураси бўлими прокурори,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

мустақил изланувчиси

Бугунги кунда халқаро майдонда жиноятчиликка қарши курашиш глобал аҳамият касб этиб бормоқда. Бу борада аёлларнинг жиноий фаолликда роли ва иштирокини ҳар жихатдан камайтиришга алоҳида мазмун ва долзарблик берилмоқда. Жаҳон ҳамжамияти, аёллар жиноятчилиги кўлами бутун башарият учун таҳдид қилишини англаб, жиноий ва пенитенциар қонунчиликни ислоҳ этишнинг замонавий халқаро стандартлари ва умумий йўналишларини ишлаб чиқишда глобал кучларни бирлаштиришга интилмоқда. Хусусан, 2010 йилда БМТ Бош Ассамблеяси Маҳкума аёллар билан муомала қилиш ва ҳуқуқбузар аёллар учун жазо чораларига доир қоидаларни (Бангкок қоидалари) маъқуллади.¹ Бунинг барчаси, пенитенциар муассасалар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, аёллар жиноятчилиги олдини олиш бўйича самарали чоралар ва механизмларни ишлаб чиқишни назарий ва амалий жихатдан таъминлаш, шу жумладан, маҳкума аёлларнинг пенитенциар тизим шароитида

¹ Правила Организации Объединенных Наций, касающиеся обращения с женщинами-заключенными и мер наказания для женщин-правонарушителей, не связанных с лишением свободы (Бангкокские правила) [Электронный ресурс]. URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/bangkok_rules.shtml.





адаптация (мослашуви) жараёнларини ўрганиш долзарблигидан дарак беради.

Маълумки, жиноий жазони ўташни ташкил этиш муаммоси узвий тарзда маҳкумларни қонунга итоаткор ҳуққ-атворини рағбатлантириш ва жазони ижро этишдан бўйин товлашини олдини олиш заруриятига боғлиқ ҳисобланади.

Жиноят қонунчилиги ва жазо тизимини либераллаштириш вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан улар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун чоралар белгилашда инсонийлик, раҳмдиллик руҳи билан суғорилган нормаларнинг устиворлигини белгилаб қўйди. Бу қатлам ичида вояга етмаганлар алоҳида диққат – эътиборни талаб қилади. Ўзбекистон аҳолисининг аксариятини ёшлар ташкил этади. Умумий аҳолининг 40%ни 18 ёшгача бўлганлар ташкил этса, 30 ёшгача бўлганлар 64%ни ташкил этади.² Одатда вояга етмаган шахс ҳаётий тажрибага эга бўлмаганлиги онги ва иродаси тўлиқ шаклланмаганлиги сабабли ишонувчан бошқалар таъсирига берилувчан бўлади. Шу сабабли, вояга етмаганларга жазо тайинлашда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш лозим. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “ёшлар ўртасидаги жиноятчилик бу аввало катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган хатосидир. Бинобарин шунинг учун ҳам руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб жиноят содир этган ёшларни жамиятга қайтариш ота-оналар ва давлат олдидаги қиёмат қарзидир. Шунинг барчамиз англаб олишимиз муҳимки, колониядаги ишлар нечоғлик яхши ташкил этилмасин барибир бу ер ёшларни тарбиялайдиган жой эмас. Кўп ҳолларда арзимас қилмиш эвазига қаттиқ жазо олган навқирон йигит айна шу ерда жиноят оламига киради. Ашаддий жиноятчиларга қўшилиб уларни турмуш тарзига хос

² Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-том Т., “Ўзбекистон”, 2008,- Б.163.



кўникмаларни эгаллай бошлайди.” Шу сабабли ҳам либераллаштириш асосида киритилган нормаларда вояга етмаганлар томонидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этилса уларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланмаслик белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш лозимки, жиноий жазоларни ижро этиш соҳасида амал қиладиган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти беқиёсдир, чунки улар ўзига хос ижтимоий “инструмент” ролини ўйнашади: пенитенциар сиёсатни коррекция қилиш, маҳкумларни ва маҳбусларни ажратиб сақлаш шаклидаги мажбурловни инсонпарварлаштириш; жазони ўташ жўйларида инсон ҳуқуқлари бузилишини олдини олиш мақсадида халқаро ҳамжамият томонидан расмий тарзда тан олинган ёки маъқулланган пенитенциар муассасалар ишлаш усули ва шартлари, умумлаштирилган ва мақбул деб ҳисобланадиган амалий тажрибани жорий этиш омили сифатида қаралади. Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган халқаро ҳуқуқ нормаларини ижобий тарзда қабул қилиб, бу борадаги қатор халқаро ҳужжатлар ва шартномалар иштирокчисига айланди.

Кенг тан олинган ҳуқуқий ҳужжатлардан айниқса Бирлашган Миллатлар ташкилоти қабул қилган қуйида санаб ўтилганлари алоҳида аҳамият касб этади:

- 1) Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил);
- 2) Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт (1966 йил);
- 3) Қийноқ ҳамда муомала ёки жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз ёки инсонийликка зид ёхуд кадр-қимматни камситувчи турларига қарши декларация ва шу ҳақда Конвенция (1987 йил);



4) Хукукий тартибни таъминловчи мансабдор шахсларнинг хулқ атвори тўғрисида кодекс (1975 йил).[3, 8]

Шунингдек, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг зўрлик ёки мажбурий меҳнат тўғрисида Конвенцияси (1930 йил), Умумжаҳон тиббиёт ассоциациясининг Камоққа олинган ёхуд мажбурий ушлаб турилган шахсларни қийнаш, қаттиқ шафқатсиз ёки инсонийликка зид кадр-қимматини камситишнинг олдини олишга оид тиббий ахлоқ-одоб тамойиллари тўғрисида Декларация (1975 йил) каби халқаро ҳужжатлардаги талаблар ҳам жазони ижро этиш жараёни учун мажбурийдир.³

Мазкур соҳа бўйича қабул қилинган махсус халқаро ҳужжатлар ҳам мавжуд. Улар сирасига Қамокдагилар билан муомала қилиш қоидаларининг минимал андозалари (1955 йил), Вақтинча ушланган ёхуд қамокда сақланаётганларни ҳимоялаш тамойиллари мажмуаси (1988 йил) каби халқаро ҳужжатларни киритишимиз мумкин.[3, 16] Уларга риоя қилинишини турли халқаро ташкилот вакиллари ва экспертлари кузатиб борадилар.

Худди шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қабул қилган Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга доир андозавий минимал қоидалар (1985 йил), Озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганларни ҳимоялаш бўйича қоидалар (1990 йил) ҳам Ўзбекистон Республикасининг минтақага хос ижтимоий, иқтисодий, маданий ривожланиш шароитларини эътиборга олиб қўлланади.[3, 9]

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида умумий эътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормалари миллий қонун ҳужжатларига нисбатан устуворлиги қайд этилади. Башарти Ўзбекистон

3



Республикаси халқаро шартномасида қонунда белгиланган нормалардан бошқача қоидалар ва талаблар кўрсатилган бўлса, халқаро шартнома қоидалари татбиқ этилади. Бу ҳолат Жиноят-ижроия кодекси 4-моддасида ҳам ўз ифодасини топган: "Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилади".

Жиноят-ижроия фаолияти соҳасида инсон ҳуқуқлари муаммоларига оид халқаро ҳужжатлар, ҳар қандай давлатда маҳкумларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда тенг имкониятлар билан таъминлаш борасида миллий қонунчилик аҳволини аниқлаштириш имкониятини яратиб беради. Ҳозирги кунда озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми мазмунига бевосита таъсир этадиган инсон ҳуқуқларига оид бир қатор халқаро шартнома ва битимлар амал қилади. Улар шахсни мажбуран ажратиб сақлаш шаклидаги мажбурловни қўллашда бузилиши имконияти нисбатан кўп бўлган инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишни таъминлайди ёхуд бу каби салбий ҳолатларга қарши туриш борасида зарур сиёсий-ҳуқуқий шароитларни яратишади.

Халқаро-ҳуқуқий стандартлар таъсири остида миллий жиноят-ижроия қонунчиликда илк бор маҳкумалар ва кекса маҳкумларнинг ҳуқуқий мақоми тўлақонли белгиланган. Жумладан, маҳкумлар, Жиноят-ижроия кодекс ва бошқа қонунларда белгиланган истисно ҳамда чеклашлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар. Мазкур қоида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 29-моддаси талабларига тўла мувофиқдир,



зеро унга кўра, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда ҳар бир инсон фақат қонунда белгиланган чекловларга дуч келиши мумкин.

Шу билан бирга, яна бир масалага эътибор қаратиш даркор.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1990 йил 14 декабрда умумий эътироф этилган халқаро ҳужжат сифатида қабул қилинган Маҳбуслар билан муомала қилиш асосий принципларида энг биринчи принцип сифатида ҳар бир маҳбус ўзининг инсоний қадр-қиммати ва аҳамиятига кўра, ҳурмат билан муомала қилишга лойиқдир, деб айтилган.

Ўзбекистон Республикаси томонидан 2003 йил 30 августда ратификация қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенция”га алоҳида тўхталиш керак. Мазкур Конвенцияга илова қилинган қатор протоколлар орасида “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенция”ни тўлдирувчи “Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида”ги⁸ Протокол ҳар тарафлама эътиборга лойиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари таҳлили жиноий жазоларни ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришнинг механизмлари ичида аёллар, кексаларга нисбатан ҳам жорий этилганлигини кўрсатади:

биринчидан, вояга етган ва вояга етмаган шахсларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чоралари тегишлилигига кўра алоҳида белгиланган (*ЖИКнинг 15-моддаси*);

⁸ 2004 йил июль ҳолатига кўра 79 та давлат Трансмиллий жиноятчиликка қарши БМТ Конвенциясини ратификация қилганлар ёки унга қўшилганлар; 61 та давлат Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш ва олдини олиш ҳамда уни содир қилганлик учун жазолаш тўғрисидаги Протоколни ратификация қилган ёки унга қўшилган. Интернет сайти материаллари бўйича: <http://hrlibrary.ngo.ru>.





иккинчидан, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини амалга оширувчи муассасалар маҳкумнинг шахси (вояга етган ёки вояга етмаган, аёл ёки эркак, илгари судланган ёки рецидивист ва ҳ.к.) ва у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилики даражасига (ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлар) кўра турлича белгиланган (*ЖКнинг 50-моддаси, ЖИКнинг 45-моддаси*);

учинчидан, вояга етмаган шахслар, аёллар, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек судлар ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг собиқ ходимларига мансуб маҳкумларга алоҳида тартиблар белгиланган (*ЖИКнинг 53, 58-моддалари*). Жумладан, ЖИКнинг 58-моддасига кўра, жазони ижро этиш муассасаларида эркаклар ва аёллар, вояга етмаганлар ва катта ёшлилар, озодликдан маҳрум этишга биринчи марта ҳукм қилинган шахслар ва илгари бу жазо турини ўтаган маҳкумлар алоҳида-алоҳида сақланади.

тўртинчидан, тайинланган жазо турига кўра, шунингдек маҳкумнинг шахсини инобатга олиб, маҳкумларга турли рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари қўлланилади (*ЖИКнинг 44, 102, 105, 109-моддалари*). Жумладан, ЖИКнинг 109-моддасига кўра, интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тариқасида интизомий жазо I гуруҳ ногиронлари ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод этилган, шунингдек ёнида эмизикли боласи бор аёлларга нисбатан қўлланилмайди.

Жиноят-ижроия тизимида маҳкума аёллар, кекса ёшдагилар билан муомала қилиш халқаро стандартларини қўллаш муаммосини амалий жиҳатдан ҳал қилиш учун қуйидаги масалаларга асосий эътиборни қаратиш зарур:





1) имкон қадар озодликдан маҳрум қилиш билн боғлиқ бўлмаган жазони тайинлаш;

2) жазони тайинлашда ушбу тоифадаги маҳкумларнинг моддий, ижтимоий ва маънавий манфатларини инобатга олиш;

3) маҳкумларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланса, ушбу жойларидаги субмуҳитнинг салбий таъсиридан муҳофаза этиш;

4) ахлоқ тузатиш ишларини тайинлашда аёлларнинг касбий малакасини доимий ошириб бориш;

5) маҳкумларга ва жазони ўтаган шахсларга ижтимоий-реабилитация кўмагини бериш;

6) озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил жазоларни қўллаш самарадорлигини ошириш.

Бундан ташқари, ушбу тоифадаги маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомини яхшилаш мақсадида қуйидаги йўналишларда иш олиб бориш зарур:

а) Ҳукм қилинган шахслар билан тарбиявий иш жараёнида, маҳкумларга нисбатан индивидуал ёндашувга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, зеро "ҳар бир маҳкумда, ёрдам, ғамхўрлик, ҳаётий муаммоларга дуч келиб, уларни ҳал этишга эътиборни кутаётган инсонни кўриш, ҳис этиш шарт. Тизим ходимининг ҳар бири учун бу муомаланинг энг асосий талаби ва қондаси бўлиши зарур".[3, 20]

б) Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўташ шароитларини янада инсонпарварлаштириш. Бу талаб пробация хизмати кадрлар таркибига мутлақо янгича ёндашувни тақозо этади. Бу талабнинг туб моҳияти шундаки, қонунчилик ҳокимияти томонидан ишлаб чиқилган хаттоки энг яхши ва инсоний жинойт-ижроия принциплари бевосита амалга оширилиши айнан пенитенциар тизим кадрларига боғлиқ.



Миллий жиноят-ижроия тизимини ислоҳ этиш шароитида ушбу муассасалар ходимлари вазифалари тобора мураккаблашиб бормоқда. Бу борада жиноят-ижроия муассасаси ходимининг ҳуқуқий онгини ошириш, инсонийлик жиҳатларига урғу бериш алоҳида муҳимдир.

в) Давлат томонидан маҳкумга тақдим этиладиган ижтимоий хизмат сифатини янада яхшилаш зарур. Халқаро ҳуқуқда бу мажбурият маҳкумларнинг қуйидаги ижтимоий кафолатлари шаклида намоён бўлади: талаб даражасида маиший шароитлар яратиш, кийим-бош, оёқ кийим билан мавсумга мос равишда таъминлаш, лозим даражада озиқ-овқат, тиббий ва санитария-гигиена хизмати билан таъминлаш, таълим олиш, касб эгаллаш, шу жумладан малакани ошириш, ижтимоий фойдали кўникмалар ва билимларни эгаллаш ва бу ҳақида тегишли ҳужжат бериш (диплом, сертификат, гувоҳнома ва бошқа).

Маҳкумларнинг махсус мақомини белгилашда уларнинг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони ўташ шарт-шароитларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий чеклов ва мажбуриятлар ўзига хос ўрин тутади.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш жиноят-ижроия сиёсатга жиддий тузатишлар киритишни тақозо этади. Бизнинг назаримизда, бугунги кунда жиноят-ижроия сиёсат давлат концепциясини ишлаб чиқиш фурсати келди. Мазкур концепциянинг зарурлиги бир қанча объектив ва субъектив омиллар билан белгиланади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида пенитенциар сиёсат концепциясининг зарурати қуйидигалар билан изоҳланади:



биринчидан, жамиятда ҳуқуқий маданият даражасининг етарли эмаслиги. Мазкур масала юзасидан хорижий мамлакатлардаги ҳолат ўрганилганда, жаҳонда жиноятчилик даражаси пастлиги бўйича 4-ўринда турган Бахрайн давлатида ҳар 50 фуқародан биттаси полиция ходими⁴ эканлиги, бу кўрсаткич 83% аҳолиси ўзини жиноий тажовуздан тўлиқ муҳофазаланган деб ҳисобловчи Данияда ҳар 100 минг аҳолидан 196 таси, Ирландияда 322 та, Швейцарияда 216 тани ташкил этиши⁵ аниқланди. Бошқа жиҳатдан олганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимининг ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг даражаси бошқа аҳолига нисбатан, одатда, юқори бўлади. Юқоридаги ҳолат орқали хорижий мамлакатларда аҳолининг ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онги даражасини кескин оширишнинг бошқа механизмларини ҳам кўриб чиқиш, уларнинг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

иккинчидан, жазони ижро этиш янги хизматларини, шу жумладан пробация хизматини малакали кадрлар билан тўлдириш масаласи кўриб чиқилиши лозим. Зотан, Республикада жазони ижро этиш муассасалари ва хизматлари учун кадрлар тайёрловчи бирорта ҳам махсус таълим муассаси мавжуд эмас. Юридик таълим муассасларида, масалан, Тошкент давлат юридик университетида жиноят-ижроия ҳуқуқи фани 20 соат маъруза, 20 соат амалий, 36 соат семинар машғулотлари ўтказилиб, бу жуда кам ва қисқа, фақатгина умумий билимлар берилади. Талабалар учун жазони ижро этиш муассасаларида амалиёт ўташ имкониятлари етарлича тартибга солинмаган. Бу борада хорижий тажрибани ўрганадиган бўлсак, жазони ижро этиш муассасалари учун махсус ўқув юртлари ташкил этилганлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, Японияда юриспруденция йўналишида

⁴ <http://forum.ykt.ru>

⁵ <http://basetop.ru>



жазони ижро этиш муассасалари учун кадрлар тайёрловчи махсус факультетлар мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Правила Организации Объединенных Наций, касающиеся обращения с женщинами-заключенными и мер наказания для женщин-правонарушителей, не связанных с лишением свободы (Бангкокские правила) [Электронный ресурс]. URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/bangkok_rules.shtml.

2. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-том Т., “Ўзбекистон”, 2008,- Б.163.

3. 2004 йил июль ҳолатига кўра 79 та давлат Трансмиллий жиноятчиликка қарши БМТ Конвенциясини ратификация қилганлар ёки унга қўшилганлар; 61 та давлат Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш ва олдини олиш ҳамда уни содир қилганлик учун жазолаш тўғрисидаги Протоколни ратификация қилган ёки унга қўшилган. Интернет сайти материаллари бўйича: <http://hrlibrary.ngo.ru>.

4. <http://forum.ykt.ru>

5. <http://basetop.ru>